

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИ: ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР

А.Турекеева –таянч докторант

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: ўқитувчи, ўқувчи, малака ошириш тизими, педагогик касби, узлуксиз таълим, умумий ўрта таълим, билим, кўникма ва малакалар, компетенция, таълим мазмуни, касбий маҳорат, касбий ривожланиш, ўқув дастурлари, ўқув материаллари, педагогик технологиялар.

Ключевые слова: учитель, студент, подготовка учителей, непрерывное образование, общее среднее образование, знания, умения и навыки, компетенция, содержание образования, профессиональные навыки, профессиональное развитие, учебные планы, учебные материалы, педагогические технологии.

Key words: teacher, student, teachers' training system, life-long education, general secondary education, knowledge, skills and practice, competence, content of education, vocational skills, professional development, curricula, teaching materials, pedagogical technologies.

Бугунги кунда ахборотлар оқимининг кўпайиб бориши таълимнинг янги моделларини яратишни ҳамда бўлажак ўқитувчиларда касбий тайёргарликни кучайтиришни тақозо этмоқда. Шунингдек, бугунги кунда ҳукуватимиз томонидан ўқитувчи обрўсини кўтариш, ойлик маошини оширишга бўлган эътибор натижасида қачонлардир бошқа соҳаларга ишлашга кетган ўқитувчилар яна педагогик касбига қайтмоқда. Бу эса ўз навбатида малака ошириш тизимини такомиллаштиришга бўлган эътибор кучайганлигидан далolat беради.

Маълумки, бугунги кунда бутун дунёда “Ҳаёт давомида илм олиш” (Life Long Learning) концепцияси мавжуд. Ушбу концепциянинг асоси Исломдаги “Бешикдан қабргача илм изла” ғоясидан келиб чиққан, аслида.

Узлуксиз таълим тизимида умумий ўрта таълим босқичи ўқувчи шахсига ўзининг жуда катта билим ва кўникмалари массасини тақдим этиши билан ажралиб туради ва ушбу босқич энг узоқ муддат давом этадиган жараён ҳисобланади. Тўғри, бугунги кунда мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчиларга ҳаётининг охиригача у билан бирга қоладиган билим ва кўникмаларни сингдиришдан иборат эмас, балки энг аввало, ўқувчига ҳаёти давомида янги билимларни яратиш ва улардан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини эгаллашдан иборатдир. Бундан келиб чиқадики, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг ўзлари авваламбор тегишли кўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак. Демак, бугунги педагогик меҳнат мақоми янгиланиб бораётган замонда таълим мазмуни, ижтимоий-маданий муҳит, янги билимлар ва компетенцияларни эгаллашга бўлган эҳтиёж нафақат ўқувчилар учун, балки ўқитувчилар учун ҳам муҳимдир.

Бу ғоя Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда бир неча йиллардан буён илгари сурилмоқда. Ушбу ғояга кўра ўқитувчининг касбий маҳорати босқичма-босқич ривожланиб бoйиб боради. Яъни ўқитувчи мустақил ўз устида ишлаши ва малака ошириши жараёнида ўз маҳоратини бойитиб боради.

Ривожланган мамлакатларда мазкур тушунча ўқитувчининг ўз касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бoриши деб тушунилади. Ушбу мамлакатларда аввал ўқитувчининг ўз касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бoриши атамаси “кадрлар тайёрлаш” ёки “касбий таълим” атамалари билан аталган. Ўқитувчининг ўз касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бoриши юқоридаги иккита тушунчага нисбатан кенгроқ маънони билдиради. Бунда ўқитувчи таълим жараёни субъекти сифатида, у ўз-ўзини касбий ривожлантириш учун узлуксиз тарзда малакасини ошириб боради. Шу тариқа, ўқитувчининг малака ошириш тизими доимий ривожланишда, ўзгаришда бўлади.

Малака ошириш тизимининг асосий вазифаси ўқитувчига ўз-ўзини узлуксиз ривожлантиришига шарт-шароит яратишдан иборат. Шундай экан, бундай

шароитни яратиб бeриш учун малака ошириш жараёнига маҳоратли, юқори даражадаги компетентли мутахассисларни жалб этиш керак. Бу бир томондан, таълим жараёнидаги “устоз-шогирд анъанаси”га яқин бўлсада, аслида ўқитувчиларнинг касбий ривожланишига жуда катта имконият яратади.

Бундай ёндашув илк бор 2007 йилда Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан ўқитувчиларнинг малакасини оширишни яхшилаш бўйича таклифлари ишлаб чиқилган эди. Бу Европа Иттифоқи Комиссиясининг 2010 йилга кадрлар тайёргарлиги ва таълим дастурида акс этган. Улар қуйидагилар:

- дастлабки 3 йилда ўқитувчилик касбини мустақкам эгаллашга кириш дастури.
- кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан зарур маслаҳатлар бeриб бoриш.
- ўқитувчиларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини муҳокама қилиш ва аниқлашга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш.
- узлуксиз касбий ривожланиш жараёнида расмий ва норасмий таълим доирасида аниқланган компетенцияларни белгилаш.
- узлуксиз касбий ривожланиш имкониятларининг мавжудлиги.

Дарҳақиқат, мактаб таълими олдида турган муҳим вазифалардан бири, ўқитувчиларда асосий компетенцияларни шакллантириш ҳамда касбий педагогик қобилиятларини босқичма-босқич кенгайтириб, бойитиб бoришдан иборат.

Анъанавий касбий маҳоратга қарши замонавий ўқув дастурлари, ўқув материаллари ва илғор педагогик техниканинг хилма-хиллигини кўрсатиш мумкин. Агар ўқитувчидан дарсликдаги мавжуд ўқув материалларини ўзлаштириш ва ўқувчиларга шундайлигича етказиш талаб этилган бўлса, бугунги кунда унинг муқобил вариантларини излаб топиш, дарс жараёнида муаммоли вазиятлар яратиш, баҳолашнинг замонавий усулларида фойдаланиш ҳамда дуч келинган турли вазиятларда аниқ ҳулосалар чиқара олиш зарур. Шунинг учун ҳам, мактаблараро ўқитувчилар орасидаги касбий педагогик ҳамкорлик тармоқлари тузилади ва шу асосда фаолиятли ўқитишни амалга ошириш лoзим.

Бу соҳадаги хорижий илғор тажрибаларни қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Россия Федерацияси мисолида Д.Г.Левитеснинг таъкидлашича, инсонпарвар педагогиканинг ғояларини амалга оширишда касбий фаолиятни тизимли моделлаштиришнинг энг муҳим омили, таълим технологияларини ишлаб чиқиш учун назарий модели яратишдир, бу эса ўқитувчиларнинг малака ошириши даврида асосий таркибий қисмга айланиши мумкин [1:13].

АҚШ тажрибаси

АҚШда ўқитувчиларни касбий ривожлантириш бўйича тренинглар асосан университетларда, касбий ривожлантириш институтларида ва марказларида амалга оширилади. Бугунги кунда мактабларда амалдаги ўқитиш жараёнида ўқитувчилар дарс

ўтадилар, бир-бирларининг педагогик фаолиятларини кузатадилар ва бир-бирларини педагогик ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлайдилар. Давлат мактаблари билан бир қаторда хусусий мактаблар ҳам мавжуд. АҚШнинг бир қатор штатларида ўқитувчиларни касбий жиҳатдан ривожлантиришга асосланган мақсадли ўқув марказлари фаолият кўрсатади. Шунингдек, бундай штатларда алоҳида муаммолар ва йўналишлар бўйича мактаблар бирлашмалари мавжуд. Бу каби бирлашмаларда ўқитувчилар учун уларнинг касбий маҳоратларини оширишга бағишланган малака ошириш курслари ташкил этилган. Давлат мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар дарс бериш ҳуқуқини қўлга киритиш учун махсус имтиҳон топширадилар ва лицензияга эга бўладилар. Хусусий мактабларда фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар бундай имтиҳонларни топширишлари шарт эмас. Олий таълим муассасасини тугатиб мактабга келган ёш ўқитувчи бир неча муддат тажрибали педагоглар назоратида фаолият кўрсатадилар ва уларнинг тавсиялари билан дарс бериш ва мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритади. Агар ўқитувчи умуммиллий лицензияни қўлга киритса у АҚШнинг барча ҳудудлари мактабларида фаолият кўрсата олади. Бундай ҳужжатларни – лицензияларни бериш билан Педагогларнинг касбий стандартлари миллий кенгаши (National Board for Professional Teaching Standards) шуғулланади [3].

Бундай лицензияларни олган ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи ошади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лицензиялар маълум муддатга берилади. Ўқитувчилар лицензияларни янгилаб туришлари учун улар ўз вақтида ва мунтазам, мустақил малака ошириб боришлари талаб этилади.

Буюк Британия тажрибаси

Буюк Британияда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш турлари турлича: олий таълим муассасаларида талабалар бакалавр ва пост-бакалаврлик таълимини олганларидан кейин турли хил касб эгалари сифатида етишиб чиқади.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан зарур тайёргарлик билан қўллаб ўқитувчилар келса, бу мактаб ўқувчилари учун жуда муҳим ва қизиқарли ҳисобланади. Улар ўз тажрибаларини илғор педагогик технологиялар асосида ижтимоий ҳаёт билан боғлаган ҳолда тақдим этадилар.

Буюк Британия ҳукумати ўқитувчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг мукамал тизимини амалга оширишга шароит яратиб берган. Ҳукумат мактабларни Миллий таълим портали(стандарт)га жойлаштирилган материаллардан фойдаланишга имкон бериш учун кредитлар ажратади. Онлайн – миллий таълим стандарти (Curriculum Online) ғояси шундан иборатки, унда ўқитувчилар интернет орқали мактаб дастурининг барча фанлари бўйича турли материалларни олишга қодир бўладилар. Бу ўз-ўзидан ўқитувчиларнинг таълим жараёнида АКТдан фойдаланишни ўрганишларига туртки беради. Буюк Британиядаги барча ўқитувчиларда ўзларининг шахсий компьютерлари орқали интернетга бепул киришларига имконият яратилган [3].

Буюк Британияда бошқа ҳукумат лойиҳалари ҳам мавжуд. Жумладан, ўқитувчиларнинг ўз устларида мунтазам ишлашларига имкон яратиб берадиган янги лойиҳа BBC Digital Curriculum ҳамда узлуксиз касбий қайта тайёрлаш бўйича Continuing Professional Development - CPD лойиҳалари амал қилади. Ўқитувчиларни узлуксиз касбий қайта тайёрлаш лойиҳаси барча фан ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, унда ўзларининг фанлари бўйича касбий қайта тайёрлаш учун янги маълумотларга эга бўладилар. Бу жараёнда улар янги маълумотларни АКТни қўллаган

ҳолда ўрганадилар ҳамда ўзлари амалиётга жорий этадилар.

Британиялик олимларнинг таъкидлашларича, Миллий таълим тармоқларининг яратилиши ўқитувчиларнинг ҳукумат томонидан қўйилган таълимни ахборотлаштириш, қўйилган мақсад сари интилиш, таълим ресурсларидан унумли фойдаланиш учун катта имкон яратади.

Педагогик таълим мақсади ва меҳнат бозорида ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни бартараф этиш учун муқобил ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, амалиётга жорий этилди. Бунинг натижасида эса ўқитувчилар мазкур дастурларни ўзлаштириб малакали ўқитувчи мақомига эга бўладилар. Шундай дастурлардан бири, ўқитувчиларни мактаб базасида тайёрлаш дастуридир (School Centered Initial Teacher Training). Мазкур дастур 1994 йилдан бошлаб таълим амалиётига татбиқ этила бошланган. Ўрта таълим муассасаларида педагогик таълим жараёнида ўқитувчилар ушбу дастур асосида фаолият кўрсатадилар. Тез йўналиш олиш дастури (The Fast Track programmes) 2000 йилдан буён таълим амалиётида жорий этилган. Ушбу дастур олий ўқув юртлари битирувчилари ҳамда мактабларнинг малакали ўқитувчиларига мўлжалланган.

Бу каби бир йиллик чуқурлаштирилган ўқув курсининг мақсади юқори салоҳиятли ташкилотчилар ва таълим жараёни бошқарувчиларини тайёрлашдан иборат. Касбий фаолиятдан ажралмаган ҳолда ўқитувчиларни тайёрлаш (малакасини ошириш) дастури (Employment-Based Routes) 24 ёшдан катта бўлганлар учун ишлаб чиқилган. Бундай ўқитувчилар ўзларининг мутахассисликлари бўйича юқори даражадаги салоҳиятга эга бўладилар. Бундай механизм асосан Уэльсда амал қилади. Шотландияда таълим тизими натижалари алоҳида-алоҳида баҳоланади, чунки хорижий мамлакатларда таълим олган ва шотланд мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар улар алоҳида таълим дастурлари мавжуд ва улар мазкур дастурлар асосида ишлайдилар (The Overseas Trained Teacher Programme) [3].

Буюк Британия узлуксиз таълим тизимининг яна бир босқичи мавжуд бўлиб, бу жараёнда, яъни бир йиллик синов вақтида стажёр ўқитувчи назарий йилмилар ва амалий кўникмаларни шакллантириб, бойитиб боради. Бу жараёнда стажёр ўқитувчи олий таълим муассасаларидаги муҳитдан мактаб шароитига мослашиб боради. Британия педагогик тадқиқотларида биринчи йил таълим амалиёти жараёнида олий таълим муассасаларини битирган стажёр ўқитувчилар ўзларининг қобилиятлари, кўникма ва малакаларини намоён қилишлари учун ривожлантирувчи қўмақ остига олинадилар. Бунинг натижасида стажёрлар кучли мутахассисга айланадилар. Бундай олий таълим муассасаларини битирганлар мактабларга борганларидан кейин стажёрлар ҳисобланадилар, яъни бундай ёш мутахассислар стажёрлар дейилади. Ушбу дастур ёш ўқитувчиларнинг юқори даражадаги салоҳиятли мутахассис бўлишларига имкон беради. Ёш ўқитувчиларни педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали уларга замонавий ўқитиш технологияларини ўргатиб борадилар. Шу орқали уларнинг билим, кўникма ва малакалари ривожланиб боради. Бундай таълим дастури таълим тизимининг барча бўғинларида қўллаш учун тавсия этилиб, малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг мавжуд тажрибаларини бойитишда жуда катта аҳамият касб этади.

Узлуксиз педагогик таълимнинг навбатдаги босқичи олий таълим муассасалари ҳузуридаги педагогика институтларида қисқа ва узоқ муддатли малака ошириш курсларини ўз ичига олади (масалан, Лондон университети ҳузуридаги Педагогика институти). Бундай малака ошириш курслари мустақил маслаҳат

гурухларида, Таълим ва фан депортаментида, ўқитувчилар марказларида, маҳаллий таълим муассасаларида ҳамда мактабларда ҳам ташкил этилади.

Рейтинги юқори бўлган мактабларга ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ёш ўқитувчиларнинг билим доираларини кенгайтириш мақсадида сингдиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Таълим жараёнида айрим вазиятларнинг ўзгариши, баъзида эса ўқитувчиларнинг касбий ривожланиш жараёни ҳар доим ҳам содир бўлиши мумкин бўлган билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларининг ҳаётий тажриба асосида ўзгаришига боғлиқ.

Бугунги кунда бундай муаммоларни ҳал этишнинг икки йўналиши мавжуд: биринчидан, қайта тайёрлаш курсларига алоқаси бўлмаган ўқитувчиларни “лаборатория” сертификатлаш ва тест қилиш методикаси такомиллашмоқда. Бироқ, уларни ишлаб чиқарувчилар учун муайян талаблар қўйилган. Бундай имтиҳон (сертификатлаш) тартиб қоидаларини амалга ошириш (масалан, АҚШда Teacher's License томонидан олиб бориладиган Education Testing Service лицензиялар) давомида ўқитувчи хатти-ҳаракатларининг ҳақиқий ҳолатини кўриш мумкин.

Олий таълим соҳасида бўлгани каби, ўқитувчилар малакасини ошириш соҳасида ҳам таълим йўналишлари мослашувчанлигини ва мустақил танловнинг аҳамиятини оширишга йўналтирилган ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, узлуксиз касбий ривожланишнинг энг кенг тарқалган усулларида бири, умумий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ўқитувчиларнинг компетенцияларини ривожлантириш ва уларнинг малакасини ошириш учун тажрибали ўқитувчилар жамоаларини шакллантиришдир.

Бундай тармоқларнинг асосий вазифаси – ўқитувчилик фаолияти давомида ҳамкасблари томонидан топланган амалий билимларни ўзаро алмашишдан иборат. Ушбу билимлар муайян ўқитувчининг ҳамкасблари учун фақатгина ҳақиқий ҳамкорлик шароитида мавжуд бўлиши мумкин. М.Фуллан ушбу жараёни интерфаол касбий ривожланиш деб атайди.

Адабиётлар

1. Левитес Д.Г. Теоретические основы моделирования образовательных технологий в условиях последипломного образования педагогов. Автореф. дис. ... док.пед.наук. СПб., 1998. -С. 22.
2. Мезенцева О.И. Развитие профессиональной компетентности современного педагога в системе повышения квалификации. / Монография. – Новосибирск: 2018. -С.226.
3. <https://cyberleninka.ru>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ривожланган мамлакатларда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизими, ундаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, бугунги кунда мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчиларга ҳаётининг охиригача у билан бирга қоладиган билим ва кўникмаларни сингдиришдан иборат эмаслиги, балки энг аввало, ўқувчи ҳаёти давомида янги билимларни сингдириш ва улардан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини егаллашдан иборатлиги очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы повышения квалификации учителей в развитых странах, их успехи и недостатки. Сегодняшняя основная задача состоит не только в том, чтобы привить знания и навыки, которыми наделены учащиеся, а, прежде всего, способности усваивать новые знания на протяжении всей своей жизни.

SUMMARY

The author of the article discusses teachers' qualifications upgrading in the developed countries, their success and disadvantages. It also explains that today's primary task is not only to inculcate the knowledge and skills that students are endowed with, but first of all, the ability to absorb and practise new knowledge throughout their lives.

ХАМҚОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ АСОСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КРЕАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

М.Умаралиева - мустақил изланувчи
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ

Таянч сўзлар: ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги, ривожлантириш, ҳамкорлик педагогикаси, креатив, технология, маҳорат, жиҳат.

Ключевые слова: профессиональная компетентность учителей, развитие, педагогическое сотрудничество, креативность, творчество, технология, мастерство, аспект.

Key words: professional competence of teachers, development pedagogical cooperation, creativity, technology, skill, aspect.

Дунёда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ўзгаришлар таълим тизимида янги мураккаб

Ўқитувчиларни ўқитиш сифатини назорат қилиш ва ушбу сифатни бошқариш вазифаси уларни тайёрлаш марказига (Teacher Training Agency) топширилган. Бу эса самарали ишлайдиган олий ўқув юртларига маблағ ажратиш ваколатига эга бўлди. Бу мактаблар учун тайёрланган сифатли кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ. Бу бир қатор факультетларнинг кенгайтиши ва самарасиз тузилмаларни ёпилиши, энг илғор таълим шакллари кўллаб-қувватлаш ва, энг асосийси, ўқитувчиларга ўқитиш имкониятларини кенгайтиришга олиб келди.

2006 йилга келиб ўқитувчиларни тайёрлаш маркази ўқитувчиларни касбий ривожлантириш маркази (Teacher Development Agency, TDA) номи билан ўзгартирилди. Бироқ, бу жараёнда нафақат марказнинг номи, балки мазмуни ҳам ўзгарди [3].

Россия Федерациясида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жуда муҳим ҳисобланиб, малака ошириш тизимидаги муаммоларни ҳал этиш таълим соҳасидаги ходимларни касбий ривожлантириш, касбий қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини модернизация қилиш бўйича амалга оширилган лойиҳа ғоясини илгари суради. Ушбу лойиҳа ўқитувчиларнинг кўшимча касб таълими дастурларини индивидуаллаштиришга қаратилган ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Мазкур шарт-шароитларни яратишнинг асосий манбаи узлуксиз таълим жараёнида ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантириш тизими, шахсий таълим дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби илғор таълим тизими сифатида эътироф этилади [2:10-11].

Шундай қилиб, ўқитувчилар белгиланган муддатларда эмас, балки доимий касбий кўникмаларини ривожлантириб боришлари кераклиги эътироф этилган. Жуда қисқа муддат ичида ўқитувчиларни касбий ривожлантириш марказида ўқитувчилар малакасини оширишнинг янги тизими шакллантирилган. Ҳар йили 18 кун давомида мажбурий касбий ривожланишни назарда тутувчи янги қонунлар ишлаб чиқилди ва малакали ривожланиш учун маблағлари деярли бутун мактабларга кўчирилди. Бунда ҳар бир ўқитувчининг таълимга оид эҳтиёжлари ҳисобга олинган.

Адабиётлар

1. Левитес Д.Г. Теоретические основы моделирования образовательных технологий в условиях последипломного образования педагогов. Автореф. дис. ... док.пед.наук. СПб., 1998. -С. 22.
2. Мезенцева О.И. Развитие профессиональной компетентности современного педагога в системе повышения квалификации. / Монография. – Новосибирск: 2018. -С.226.
3. <https://cyberleninka.ru>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ривожланган мамлакатларда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизими, ундаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, бугунги кунда мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчиларга ҳаётининг охиригача у билан бирга қоладиган билим ва кўникмаларни сингдиришдан иборат эмаслиги, балки энг аввало, ўқувчи ҳаёти давомида янги билимларни сингдириш ва улардан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини егаллашдан иборатлиги очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы повышения квалификации учителей в развитых странах, их успехи и недостатки. Сегодняшняя основная задача состоит не только в том, чтобы привить знания и навыки, которыми наделены учащиеся, а, прежде всего, способности усваивать новые знания на протяжении всей своей жизни.

SUMMARY

The author of the article discusses teachers' qualifications upgrading in the developed countries, their success and disadvantages. It also explains that today's primary task is not only to inculcate the knowledge and skills that students are endowed with, but first of all, the ability to absorb and practise new knowledge throughout their lives.

ХАМҚОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ АСОСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КРЕАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

М.Умаралиева - мустақил изланувчи
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ

Таянч сўзлар: ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги, ривожлантириш, ҳамкорлик педагогикаси, креатив, технология, маҳорат, жиҳат.

Ключевые слова: профессиональная компетентность учителей, развитие, педагогическое сотрудничество, креативность, творчество, технология, мастерство, аспект.

Key words: professional competence of teachers, development pedagogical cooperation, creativity, technology, skill, aspect.

Дунёда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ўзгаришлар таълим тизимида янги мураккаб

талабларни кўймоқда. Бундай талаблар касбий, психологик ва ижтимоий зарур шахс сифатларини